

**ТАРИХИЙ ЖОЙ НОМЛАРИ ТАҲЛИЛИДА КЕКСАЛИК ВА ПИРИ  
МУРШИДЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ****Бердиев Хайридин Абдуллоевич**

ТошДТУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти. тар.ф. ф.д (PhD)

[20berdiev20@gmail.com](mailto:20berdiev20@gmail.com)**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола “кексалик” – деб улуғланган сифат, даврлар силсиласида маълум маънодаги ўтмиш ва маънавиятни ўзида акс эттирган қадрият сифатида тарихий жиҳатдан таҳлил этишга бағишланган илк тадқиқот материалidir. Мақолада ўрганишлар натижасида инсоннинг маънавий ҳаётида ва унинг тарбия топишида кексалар ҳаёти ибрат намунаси сифатида улуғланиб келиниши сабаблари ва мазмун-моҳиятига алоҳида ўрин ажратилган.

Хусусан, нуруний отахон ва онахонларга бўлган эътибор қадим тарихга эга эканлиги, кексалик ва пири муршидлик муносабатларига оид жой атамалари, вали ва авлиёлар номлари тарихий топонимик материаллар сифатида таҳлил қилинган. Қадим тарихда одамларнинг оташпараштлик динига эътиқод қилган даврларида кексаларни қадрлаш борасида қабиладошларига берилган панд-насиҳатлар, ислом дини муқаддас Қуръони Карим китобида ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаламнинг ҳадислари, Марказий Осиё этномулоқот ҳудудида сақланиб қолган кексалар номига дахлдор исм, ном, тахаллусларнинг кўпчилигида “ота”, “бува” ёки “она” “момо” каби топоформант қўлланилишига доир тадқиқ этилган фикр ва хулосалар бериб ўтилган.

Мақолада аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиш тарихи, аҳоли турмуш тарзи, илмий-амалий таҳлил сифатида ўрганилмаган масала ҳисобланиб маънавий мерос сифатида ўрганишни талаб этувчи долзарб масаланинг бугунги кундаги ўрни ва роли бўйича маълумотлар ўрин олган.

**АННОТАЦИЯ**

WWW.HUMOSCIENCE.COM

Данная статья представляет собой первый исследовательский материал, посвященный историческому анализу качеств пожилых людей, которое представлено словом "старость" - прославленное качество как ценность, отражающая прошлое и духовность в различные периоды культурно-исторического развития человечества. В результате проведенных исследований особое место выделено причинам и сущности того, почему жизнь пожилых людей прославляется как пример в духовной жизни человека и его воспитании.

В частности, в качестве историко-топонимических материалов проанализированы то, что внимание к просветленным отцам и матерям имеет древнюю историю, существование топонимов, связанных со старостью и отношениями пири-муршидов, имена покровителей и святых. В древней истории, когда люди верили в религию зараострийцев, они давали своим соплеменникам советы о том, как ценить пожилых людей, в Священном Коране ислама и в хадисах пророка Мухаммада, да благословит его Аллах и приветствует. Даны исследованные мнения и выводы о употреблении топоформантов типа «отец», «мать», «бабушка» или «момо» в большинстве имен, фамилий и прозвищ, связанных с именами пожилых людей, сохранившихся в этнокоммуникативного региона Средней Азии.

В статье раскрывается истории и образования поселений, связанных с именами пожилых людей, образы жизни пожилого населения, а также приводятся сведения о месте и роли актуальной проблемы, которая в научно-практическом анализе считается малоизученным вопросом и требует изучения как духовное наследие.

### ABSTRACT

This article is the first research material devoted to the historical analysis of the qualities of older people, which is represented by the word "old age" - a glorified quality as a value that reflects the past and spirituality in various periods of the cultural and historical development of mankind. As a result of the research, a special place is

allocated to the reasons and essence of why the life of older people is glorified as an example in the spiritual life of a person and his upbringing.

In particular, as historical and toponymic materials, the fact that attention to enlightened fathers and mothers has an ancient history, the existence of toponyms associated with old age and the relationship of the Piri-Murshids, the names of patrons and saints are analyzed. In ancient history, when people believed in the religion of the Zoroastrians, they gave their fellow tribesmen advice on how to appreciate the elderly, in the Holy Quran of Islam and in the hadith of the prophet Muhammad, peace and blessings of Allah be upon him. The researched opinions and conclusions about the use of topoformants such as "father", "mother", "grandmother" or "momo" in most of the names, surnames and nicknames associated with the names of elderly people preserved in the ethno-communicative region of Central Asia are given.

The article reveals the history and formation of settlements associated with the names of the elderly, the lifestyles of the elderly population, and also provides information about the place and role of the current problem, which in scientific and practical analysis is considered an understudied issue and requires study as a spiritual heritage.

**Таянч иборалар:** топоним, Авеста, Куръони Карим, этимология, тил, пир – муршид, Нурота, Фозилманота, Биби Ситта, Сайидато, маданий мерос .

**Опорные слова:** топоним, Авеста , Священный Коран, этимология, язык, пир – муршид, Нурата, Фозилманата, Биби Ситта, Сайитата, культурное наследие.

**Key words:** toponym, Avesta, Holy Quran, etymology, language, pir - murshid, Nurata, Fozilmanata, Bibi Sitta, Sayitata, cultural heritage.

## КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда кексаларнинг хурматини жойига қўйиш ва мурувват кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Тарихдан маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришилган дастлабки йилларидан бошлаб ҳар бир йилга ном бериш анъанаси мавжуд. Бу анъанага кўра 2002 йил

“Қарияларни кадрлаш” йили, 2015 йил эса “Кексаларни эъзозлаш” йили деб эълон қилинган эди. Ёши улуғларни кадрлаш, уларнинг Ватан равнақи учун кўрсатган хизматларини муносиб кадрлаш халқимизга хос азалий фазилатдир. Бу ҳикмат Ўзбекистон биричи Президенти Ислом Каримовнинг “Отабоболаримиздан қолган эзгу удумга мувофик, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний қадриятни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зарур[1]”, деган сўзларида мужассам бўлган эди, десак муболаға бўлмайди.

Кексаларнинг ҳаётини янада фаровон этиш ва узоқ умр кўришларига қаратилган бундай эътиборни дунёнинг ҳеч бир мамлакатада учратмайсиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги “Кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурига мувофик, мамлакат бўйлаб кекса авлод вакилларининг ғамхўрликлар кўрсатилиши яна бир муҳим қадам бўлди. Бу эзгу ишлар 2021 йил 8 ноябрида Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг инаугурация маросими муносабати билан **Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги** нутқида қайд этиб ўтилди: “Кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш – халқимизнинг азалий қадриятидир. Ана шундай ноёб фазилатни асраб-авайлаш, фарзандларимизни шу руҳда тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир” [2].

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Кексаларни ҳурмат қилиш савобли иш эканлиги ҳақида турли ижтимоий мутахассислик тадқиқотларида турли йўсинда таҳлил ва тасниф бериб келаётир. Ушбу мақолада “кексалик” деб улуғланадиган бу сифатни даврлар силсиласида маълум маънодаги ўтмиш ва маънавиятни ўзида акс эттирган қадрият сифатида тарихий жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Маълумки, миллий анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлашда нурунийларнинг ўғит-насиҳатлари муҳим аҳамиятга эга, чунки улар томонидан тўпланган ҳаётий тажриба доимо ижобий баҳоланиб, ёш авлод тарбиясида

муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда шу давргача етиб келган қисса-ю, ривоятлар ва афсоналар, ибратли ўғит ва маслаҳатлар чуқур манбавий асос вазифасини ўтайди.

Кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш масаласида муқаддас ислом динининг Қуръони Карим китобида ва ҳадисларида ҳам айтиб ўтилган. Ёши улуғларнинг ҳолидан хабардор бўлиб, ҳаётий тажрибалари ва турмуш сабоқлари, ибратлари ҳақидаги фойдали маслаҳатларни олиш пайғамбаримиз Муҳаммад Мутафо Расулуллоҳ (с.а.в)нинг томонидан айтилган ҳадисларда ҳам таъкидланган: “Катта ёшдагилар билан суҳбатда бўлинглар, уламолардан маслаҳат сўранглар ва донолар билан аралашиб турунглар” [3]. Бу нисбат ислом динининг тарқалиши ва кенгайиши натижасида маълум маънода пири муршидлик муносабатлари сифатида ҳам улуғланган. Бундай дейилишига сабаб, аввало оилада ота-онани ҳурматлаш, уларни устозлардай улуғ мақомга эга эканлиги ҳамда қариганларида ғамхўрлик кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга бўлганлигига ишорат қилади.

### **НАТИЖАЛАР**

Маънавиятимизда ва таълим-тарбия жараёнида ҳам кексалар ҳаёти ибрат намунаси ҳисобланади. Шу боис, ҳозирги кунларимизга қадар сақланиб қолган топоним(жой номлари)лар ҳақида илк бор илмий мулоҳаза юритишимизда пири муршидлик муносабатлари оид жой номларига эътиборингизни қаратамиз.

Аслида пиру муршидлик тушунчаси ислом таълимотида руҳий тарбия устозларига нисбатан қўлланилган. Бу ерда *муршид* устози бўлган *пир*нинг изидан борувчи, садоқатли унинг илму амалларини ўрганувчи “солиҳ” инсон мазмунида келади. Ислом уламолари ўрта асрларда шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг фарқи руҳият олами билан боғлиқ, руҳий ҳис-туйғуларга қараб белгиланиши сабабли ўз раҳнома ва уларнинг издошларини “пиру-муршидлар” деб аташган. Тарихий таҳлилда бу масала ҳали кенг ўрганилмаган муаммо бўлиб, уни ўрганиш жараёнида жуда қадим даврларга хос ономастик (жой номлари) билимлар қаъридаги “ҳақиқат” яширинган.

Маълумки қадим Турон заминда пайдо бўлган диний эътиқодларнинг энг қадимийси, зардуштий(оташпараст)лик ҳисобланади. Оташпарастларнинг муқаддас китоби “Авеста”да ҳам қарияларни кадрлаш, ардоқлаш муқаддас вазифа саналган. Оташпарастлар йўлбошчиси Зардушт одамларни кадрлаш борасида қабиладошларига берган панд-насихатларида “Имонлиларнинг гапига қулоқ солинг ва андиша билан мулоҳаза юритиб, яхши билан ёмонни ўзингиз ажратиб олинг”, деб таъкидлаган.

“Авеста” китобининг “Яшт” наски таркибидаги Хурмузд Яшт алқовида ёзилишича, инсоннинг яшашдан мақсади эътиқодли бўлиш, юртни обод, элни фаровон, этишда доно ва имонли бўлган Зардушт ортидан эргашиш ва унга айтган худо Ахурамазданинг ваҳий сўзлари шундай ифодаланган:

**10.** Қачонки, аё Зардушт,

Одамлар ва девлар ичра

Ёвликка қирон солмоқ,

Деву афсунгарларни,

Кави мустабидлару

Машъум Карапанларни

Икки оёқ аблаҳлар,

Сохтагар даҳоларни,

Тўртоёқ қашқирларни

**11.** Қонли ва кенг яловни

Баланд кўтарган

Кенг ясоқли қўшинни

Қирғин қилмоқчи бўлсанг,

Номларим иқроп айла.

Такроп айла уларни,

Туну-кун такроп айла [4].

Оташпарастларнинг кундалик турмуш тарзида меёрлаштирувчи қонун-қоидаларга даъват қилинган: масалан, “Ахурамазда деди: “Одамларни ҳақ йўлидан тойдирувчи, нотўғри билимларга ўргатувчи ашемауг-сохта муаллимларнинг ишлари маришана девининг қудратига пинҳона қувват бағишлайди. Уч йил давомида(имон) белбоғини боғламаган, (Заратуштра) гоҳларини қироат қилмаган, Обон яшт(Ардви Сура) алқовини куйламаган, шукронаси учун намоз ўқимаган одамлар ҳам (маришана девларини қувватлаган бўлади) [5]”.

“Авеста” наскларида таъкидланадики, яхши устоз ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, одамларни ҳалол меҳнат эвазига яшашга ўргатади,

покдомонлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжихатлигу ғамхўрликни кенг тарғиб қилади.

Қадим Турон заминида кўп асрлар давомида яшаб келган ўзбек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ каби элатларнинг аجدод-авлодлари, уруғларининг яшаб келаётганлигини таҳлил қила туриб, деярли ҳар бир шаҳар, қишлоқ аҳолиси этник таркиби мураккаб кўринишга эга ўзига хос “этномулоқот”[6] ҳудуди бўлиб келган деган хулосага келиш мумкин. Бу этномулоқот ҳудудида сақланиб қолган кексалар номига дахлдор исм, ном, тахаллусларнинг кўпчилигида “ота”, “бува” ёки “она” “момо” каби топоформант ёрдамида ҳосил бўлган.

Хўш, таркибида “ота”, “бува” ёки “она” “биби” топоформанти қўлланилган ойконим ёки антропотопонимларнинг таркиб топиши ва шаклланиши қачондан бери амалда, унинг тарихи ва илдизи, моҳияти нимани англатади? Тилшунос олим Ш.Раҳматуллаевнинг уқтиришича[7], қадим туркий тилда[8] “ота” эркак кишининг ўз фарзандларига нисбатан мавқеини билдирган тушунча бўлиб, “ата” тарзида талаффуз қилинган. Ўзбек тилида бу сўз бошланишида **а** унлиси **â** унлисига, охиридаги **а** унлисига алмашган: **ата** > **âtä**. “Она” сўзи ҳам қадимги туркий тилда “хотин киши ўз туққан боласига нисбатан” қўлланилган, бу сўз дастлаб **ана** тарзида талаффуз қилинган [9].

Бува ёки “**бобо**” – “отанинг ёки онанинг отаси”, қадимги туркий тилда **ба:ба** тарзида талаффуз қилинган. Қадим туркий тилдаёқ **а:** унлисининг чўзиқлик белгиси йўқолган, ўзбек тилида **а** унлилари **â** унлиларига алмашган: **ба:ба** > **баба** > **бâбâ**. Сўзлашув нутқида бу сўз **бува** тарзида айтилади: **бâбâ** > **бâ бâ** > **бâвâ** > **бувâ**.

“**Биби**” сўзи – “ота-онанинг онаси” маъносини англатган бу сўз қадимий туркий тилда биби тарзида талаффуз қилинган[10] кейинчалик иккинчи бўғиндаги **б** ундоши **в** ундошига, шунинг таъсирида биринчи бўғиндаги **и** унлиси **у** унлисига алмашган: **биби** > **буви**. Ҳозирги ўзбек тилида атоқли от таркибида бу сўз **биби** шаклида ҳам қатнашади: **Âнâбиби, Хâлбиби**.

Топонимлар таркибида учрайдиган Кампир атамасининг тарихий илдизларини таҳлил этган тадқиқотчи олимлар фикрлари ҳақида тўхталиб

ўтамиз. Филологик тадқиқотларда “*Кампир*” топоними мавжуд. Бу сўзни Ш.Р. Раҳматуллаев қуйидагича шарҳлайди. Бу атаманинг тожикча от эканлиги ва унинг иккинчи қисмидаги “*nir*” қисми асосан “чол” шаклини ифода этган, аммо кампир оти эса “кексайган аёл” маъносини англатади, лекин “аёл” маъносини англатадиган *кам* оти луғатларга киритилмаган [11], деб эътироф этади.

Профессор М. Исҳоқов эса “кампир” сўзи “*кам-* “бўшлиқ, хандақ, ўйилган ер”,  $\approx$  *nir* қисми эса авеставий “пайрийа” сўзининг ўзгарган шаклида ифодаланган. Бу ерда “кампир” сўзининг иккинчи қисмидаги “*nir*” ёки “*пайрийа*” ҳозирги талаффуз шакли маъноси – “ўров, девор”. Демак, “кампир” сўзининг “девор” билан қўшма сўз шакли сифатида қўлланиб, “хандақли ўров, девор” [12] демакдир дейди.

Сўз бевосита “Кампир” топоними ҳақида борар экан, бу ҳақда деворшунос олим Ҳ.Муҳаммедов тарихчи Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобига суянган ҳолда Бухоро воҳасининг атрофини ўраб турган Кампирак (*Кампирак*) деворини ва мудофаа деворлари ҳақида сўз юритган [13]. Муаллиф, қадимги Бухоро воҳаси атрофида барпо этилган иккита девор бўлганлиги, улардан бири анча қадимий бўлиб, иккинчиси унга нисбатан анча кейинги VIII-IX асрларга оид эканлигини қайд этган. Яна Ҳ. Муҳаммедов бу икки алоҳида-алоҳида мудофаа деворлари қолдиқларидан биринчисининг вайроналари айрим участкалардагина, иккинчисиники эса воҳа атрофининг кўпгина жойларида сақланиб қолган [14], – деган фикрни беради. В.Шишкин Бухоронинг қадимги девори III-IV аср билан VII аср мобайнида бунёд қилинган, деган тахминни айтади [15]. Умуман олганда деворшунос олим Ҳ.Муҳаммедов Кампирак деворига тасниф бериб, деворлар воҳаларнинг ичкарасида савдо-иқтисодий ва ҳарбий стратегик аҳамиятга эга “ҳимоя” тўсиғи бўлганлигини эътироф этади.

Кейинчалик бу масала бўйича чет эл олимлари Томашек ва Жамоидалар ҳам Ўрта Осиё воҳаларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида савдо-иқтисодий ва ҳарбий стратегик манзиллар “ҳимоя кўрғони ва тўсиқлари” ҳақида умумий фикрларини бериб ўтишган [16].

## МУҲОКАМА

Бундан кўринадикки, кексалик ва улуғлик ҳақидаги дастлабки тасаввурлар оила ва уруғ жамоаларида улуғ ва доно кишиларнинг “ҳимоят”и остидаги кишиларга нисбатан “пир” кўринишида, уларнинг ортидан эргашувчиларни эса “пири-муршидлик” мартабаларига эришган оқил кишилар маъносида тушунилган. Умуман олганда ислом динига қадар истеъдоди ва авлиёлик қобилиятини намоён қилган кишилар яшаб ўтган жойлар кейинчалик антропотопонимик жой номи сифатида сақланиб қолиши “ҳимоятли кишилар”га номи билан узвий боғланган муқаддас манзил маъносида мавжуд бўлган, деган хулосани келтириб чиқаради.

Топонимлар келиб чиқиши, шаклланиши ва ҳаётийлиги бўйича мутахассис олимлар томонидан бир неча турларга бўлинган: антропотопонимлар(киши атоқли отлари ёки уларга хос баъзи лисоний хусусиятларни намоёиш қилувчи), гидроним(бевосита ном ўзагида сув элементларининг сақлаган), ороним (ер юзаси рельефи билан алоқадор) жой номлари ва бошқаларга бўлинади[17]. Мамлакатимизнинг йирик элшунос ва топонимист олимлардан С.Қораев, Т.Нафасов каби олимларнинг туркум рисоаларида акс этган топонимик объектларга берган таърифлари кексалар ҳаётига даҳлдор топонимларининг тарихий таҳлилинини ёритиб беришда асос бўлиб хизмат қилади.

Топонимларни ўрганиш жараёнида антропотопонимларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ёки трансформацияга учраган ҳолатда оралик масофааларда сақланиши, даврийлиги ва бир неча жойларда такрорланиши ва ҳаётийлиги замирида ҳам ўзига хос қонуниятлар мужассам. Масалан, республикамиз ва бизга қўшни Марказий Осиё давлатлари ҳаттоки узоқ Сибир кенгликларида, Озарбайжон, Туркия ва ҳаттоки Саудия Арабистони ярим оролларидаги баъзи бир антропотопонимик жой номлари учрайдики, бу жой номларининг ўзагида пири-муршидлик муносабатларига доир аломатлар яққол кўзга ташланади. Масалан, Ҳазрат Али ғори, Ғойибота (Нурота воҳаси, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Қозоғистон, Саудия Арабистони), Энасой (Нурота воҳаси, Сибирдаги Енисей дарёси), Биби Фотима (Нурота шаҳридаги мазор, Тожикистондаги шу номдаги шаршара) ва бошқалар.

Аввало тўпланган материаллар, хусусан археологик обида сифатида фақатгина харобалари сақланиб қолган Нурота қалъаси, Нурота шаҳридаги Чашма комплексидаги Шайх Абул Ҳасан Нурий(Рўмий)қабри, Нургулота булоғи, ёки Нурота воҳаси бўйлаб тарқалган Фозилман ота чўққиси(ороним), ойконимлардан Ғазғонота(Шоҳимардон), Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн(Деҳибаланд қишлоғи Нурота т.), Қалқонота, Ғойибота, Хўжа Муҳаммад Парсо, Чолтош, Кўчимбува, Нурматамин бува, Зангиота, Биби Ситта, Биби Фотима, Имом ал-Бухорий, Отақўрғон, Очил бова каби аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиш тарихи, аҳоли турмуш тарзи, илмий-амалий таҳлил сифатида ўрганилмаган масала ҳисобланиб маънавий мерос сифатида ўрганишни талаб этади.

Дастлаб Нурота топоними ва унинг бундай номланишига сабаб бўлган омилларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, бу омилларнинг тарихий ва ижтимоий зарурат, географик, илоҳийлаштириш[18], муқаддаслаштириш билан боғлиқ жиҳатларга бориб тақалади. Масалан Нурота шаҳри, маъносидаги Нурота – икки тарихий асос “нур” (ёруғлик, шуъла) ва “ота” (зиёратгоҳ жойлар номига кўйиладиган кўшимча, маҳаллий шаҳар аҳолиси таърифича “Нурато”) сўзларининг жамланмаси асосида\* шаклланган[19]. Нурота топоними – Нурота кўрғони Чашма булоғи тепасига дафн қилинган X-XI асрларда дини ислом машҳур шайх уламиси Шайх Абул Ҳасан Нурий[20] номига нисбат берилишидан келиб чиққани тахмин қилинади. Бу ҳақда журналист С.Мустафоев[21] мақоласида Нурота чашмаси саҳнига дафн этилган Шайх Абул Ҳасан Нурийни шу заминда таваллуд топганлигини эътироф этиши ва Нурота топонимга айланган, деган тахминни илгари суради.

---

\* Нуротани сув билан таъминлайдиган сув манбаи тожик тилидаги компонент “чашма” – тожикча “сув булоғи”дан 2004 йилда вақти-вақти билан одамлар осмонга 1-2 метр баландликка кўтарилаётган нур таралиб турганлигини кўришган. Бундай табиат мўжизаси ҳатто фотосуратга ҳам олинганлиги, ҳақиқат. Чашмадан нур чиққанлиги ҳақидаги хабар жуда тез аҳоли ўртасида тарқалиб, бир неча минглаб аҳолининг бу мўжизани кўришга ошиқиб келишган. Агарда ушбу ҳолатни илмий мушоҳада этадиган бўлсак, сувдаги турли минераллар, бевосита оҳақтошли тоғ жинслари таркибидан сизиб чиқаётганида фосфор элементлари билан реакцияга киришиб нур ҳосил қилгани маълум бўлади.

Бу маскан кейинчалик муқаддаслаштирилган ном сифатида Нурий манзили, Нур манзили ёки Нурота деб номланиб кетилган. Азалий сабабларга теологик қарашларга кўра бу ерда пайдо бўлган сув-чашма булоғида Алоҳнинг буйруғи билан самодан “нур”ато(бунёд) қилинган, шунга кўра маҳаллий аҳолининг гувоҳлик беришича бу ҳудудда ҳаёт манбаи бўлган Чашма – булоқ сувидан турли физикавий ва кимёвий ҳолатларга кўра вақти-вақти билан осмонга нур чиқиб тургани сабабидан бу ер Нурота, – деб номланган[22];

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Нурота воҳасида ислом дини тарғиботчилари ва уламоларининг таъсири кучли бўлган. Масалан, Нурота шаҳрида Чилустун, Сайидато, жойларда Оқмасжид, Жўш, Балиқчиота, Нонбермас ота ва бошқалар жой номларининг сақланиб қолганлиги пири муршидлик муносабатларига оид жой атамалари, вали ва авлиёлар номлари билан боғлиқ антропонимлар ҳисобланади. Баъзи бир қишлоқларда диний уламолар таъсир доирасининг сақланиб қолиши, масалан, Хўжақишлоқ, Эшон қишлоқ, Авлиёқишлоқ[23] каби авлиёлик ва олдиндан кўра билиш, кишиларнинг мушкулларини осон битирувчи, касалликларини даволашда танилган шахс номларининг жой номи сифатида қўлланиши ушбу далилларни исботлайди. Аммо аксарият ҳолларда азиз ва авлиё номлари халқ фольклори, ривоят ва афсоналар[24] шаклидагина бизгача етиб келган, ёзма манбаларнинг йўқлиги эса, маълум маънода мозий ва тарих саҳнидаги “одам исми билан эмас, номи билан авлодлар ёдида қолади”, деган тасаввурни келтириб чиқарган.

Нурота тоғ тизмасининг шарқий қисмидаги чўққи тоғ Фозилмонота деб аталишига сабаб, бу ерда X-XI асрларда яшаган Сассиқ қишлоғидан чиққан Фозилмон исмли ҳожи номи асос бўлган. Бошқа бир мисолни олиб қарайдиган бўлсак, Нурота шаҳридаги бир маҳалланинг Саййид Ато маҳалласи деб номланишига сабаб, ҳозирги кунда ўғиллари ва набиралари истоқомат қилаётган маҳаллий аҳоли ўртасида кучли таъсирга эга “эшонлар” авлодига мансуб Саййид Ато номи билан аталиниб келинаётир. Бу ҳақда Б. Мирзаев, К. Аҳмадқулов[25] Нуротага ҳазрати Мир Кулолнинг пойқадамлари етган. Пирлари – оталарининг дўсти, у кишининг туғилишини башорат қилган ва бўлғуси фарзандига Амир

Калон деб исм қўйган. Ҳазрати Саййид Ато шу маконнинг фарзанди. Саййид Ато маҳалласи шу кишининг номи билан юритилади, деб ёзган.

Дарҳақиқат, Нурота воҳасида кўпгина зиёратгоҳлар бор, уларнинг ўзагида пири муршидлик аломатлари яққол кўринади ва трансономизацияга учраган ҳолда, воқеа-ҳодисалар бўлган жойлардан шу воқеа-ҳодисалар таъсири натижасида 100 кмдан бир неча 1000 кмларда кўчма тарзда пайдо бўлган: масалан, Ғазғон қўрғонида саҳобалар – Ҳазрати Али ва бобо Уммар қабрлари, Дехибаланд қишлоғида Имом Ҳасан, Имом Ҳусайн ва имом Муҳаммад Ханифа қабрлари, Нуротада эса тобъеинлардан Мазори Сангандоз, (Полвон Аҳмади замчи), Шойрис (Биби Ситтам Тагалбоз), Мазори банди кушо (Хожа Бурҳониддин Жаррох), Чилла мазори (Хожа Убайдулло жаррох), Эгизак ато, Ихлос ато, Сулфи Кабутак, Шайх Абул Ҳасан Нурий, Шайх Илёс, Шайх Абул Ҳасан Рўмий, Бобоуммар Сўфи, Мазор қишлоғида Хожа Аҳмади Кибор ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шунга ўхшаш антропотопонимлар республикамизнинг бошқа вилоятларида баъзида алоҳида, баъзида такроланувчи аломатларни сақлагани ҳолда учрайди. Умуман олганда номлар таснифида типик ва антропологик умумлашмалар халқларнинг индивидуал ривожланиши ўзига хос ривожланиш хусусиятларини намоён қилади. Кексалик ва пири муршидлик муносабатларига оид жой атамалари, вали ва авлиёлар номлари тарихий воқелик, урф-одатлар, диний, дунёқараш шаклидаги топонимик “ҳаёт маҳсули”дир. Ўз аҳамиятига кўра, кексаларнинг жамият ижтимоий тузилмасидаги ўрни, уларнинг ёш авлод тарбиясида меросий хотира сифатида жой номларида сақланиб қолиши, улуғликка етакловчи қадрият ва маънавий тарбия омили ҳисобланади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жой номлари ҳар бир юртдошимиз, ёшларимиз қалбида ўз юртига муҳаббат, тарихимиз ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром туйғуларини камол топтириши керак. Уларнинг дунёқараш ва маънавий оламини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Алқисса, кекса авлод номига алоқадор жой номлари тарихий

илдизларида яширинган маънавий баркамоллик, пири-муршидлик муносабатларини акс эттиради. Айни замонда кекса авлод қолдирган меросни англаш, уларга муносиб ворис бўлиб яшаш давр талабига айланмоғи керак.

Зеро, Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек, “... Шунинг учун мухтарам отахон ва онахонларимиз, меҳнат фахрийларининг ҳаётини мазмунли ва файзли қилиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиш, соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур. Токи бу ҳурматли инсонлар ўзларининг оила ва жамият ҳаётида муносиб ўрни борлигини доимо ҳис қилиб яшасинлар” [2].

Жамиятда фаровонликни таъминлашда ҳар вақт ва ҳамиша нуронийлар кўмагига эҳтиёж сезилган. Бугун улар – маҳалла суянчи. Шу билан бирга, эъзозу эътиборда. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, давлат ва жамият манфаати учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз кексалар ҳаётини тажрибасидан фойдаланиши даркор. Зеро, кексаларнинг асрлар оша тобланган ўғитларига амал қилиб яшаш комиллик, турмуш фаровонлигимиз ва тинч-осойишта ҳаётимизнинг тамал тошидир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 2000й. 22 январь//Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – [www. press-servise.uz](http://www.press-servise.uz).
2. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз// Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида сўзлаган нутқидан“Янги Ўзбекистон” газетасининг 2021 йил 7 ноябрь сонидан
3. Ҳидоятхўжаев Т. Кексалик ҳикматлари I китоб. – Тошкент: Моваруннаҳр 2005. – Б. 30-32.

4. “Авесто” Яшт китоби (Худо Ахура мазда ва у яратган маъбудалар шаънига айтилган алқовлар) М. Исҳоқовнинг ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима– Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 11.
5. Авеста “Видевдот” китоби.М. Исҳоқовнинг ўзбек тилига илмий-изоҳли таржимаси . – Тошкент: Тошкент давлат Шарқшунослик институти нашриёти, 2007. – Б.7; 85.
6. Андреев М. С. Из поездки в 1916 году Нуратинские горы и прилегающую к ним часть Кызыл-кумов// – Ташкент: 1923. Восток, № 1(5). – С. 1-2.; Яна у: Некоторые результаты этнографической экспедиции в Самаркандской области в 1921 году. // Известия Туркестанского отделения РГО. Т. XVII.– Ташкент: 1924. – С. 144-156.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати(туркий сўзлар) –Тошкент: “Университет”, 2000. – Б. 259
8. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. I том, – с.200: Яна қаранг: Малов С.Е. Памятники древнетюркских письменности – Москва-Лгр.: 1951. –с.361; М. Қошғарий. Девони луғотит турк. I том, – Тошкент.: 1960. –Б. 114. Древнотюркский словарь. –Лгр.: 1969. –с.65.
9. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. I том, – с.279; М. Қошғарий. Девони луғотит турк. I том, – Тошкент.: 1960. –Б. 119. Древнотюркский словарь. –Лгр.: 1969. –с.43.
10. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. II том, –с.127.
11. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати(форсча, тожикча бирликлар ва улар билан ҳосилалар) III том. –Тошкент: “Университет”, 2009. – Б. 117; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати(туркий сўзлар) –Тошкент: “Университет”, 2000. – Б. 63; Яна қаранг: Таджикско-русский словарь. Госиздат ин. И нац.словарей. – Москва, 1954 ёки Таджикско-русский словарь. I том. 1946. –с. 307; 179; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. –с.365.

12. Трансоксиана. Сборник статей по истории и истории культуры Средней Азии./Исхаков М. “К имени Язатпир на монете из Южного Казахстана”– Москва 2004.–с. 119.
13. Мухамедов Х. Қадимий мудофаа деворлари. – Тошкент: Фан. 1973, – Б. 19-21
14. Масъудий., Китобут танбиҳ вал ашроф, М. J, de Goeje, Lugunf, Batavorum, 1894, BGA, VIII, p.65.; Мухамедов Х. Стена Канпирак.// Из истории древних оборонительных сооружений в Узбекистане. –Общественные науки в Узбекистане, 1961, № 1. – С 49-50.
15. Шишкин В. А. Варахша, Изд-во АН СССР, 1963. – С 25-26.
16. Tomashek W. Zur historischen Topographie von Persian, I: Die Strassenzuge der Tabula Peutingeriana // SWAW. 1883. - СII. -P. 144-231.; Baldauf Ingeborg. Some Thoughts on the Making of the Uzbek Nation // Cahiers du Monde russe et soviétique, Vol. 32, No. 1, En asie centrale soviétique: Ethnies, nations, états (Jan. - Mar., 1991). – P. 79-95; Eriksen Thomas Hylland. Ethnicity and Nationalism. Second edition. 2002. – p.; Economies of ethnicity. / A handbook of economic Anthropology. 2006; Small Places Large Issues. Third Edition // Introduction to Social and Cultural Anthropology. 2010. – p.112.
17. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати.– Тошкент: Ўқитувчи, 1988. – 288 б.; Яна қаранг: Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: ЎзМЭ, 2005. – Б. 223-238.
18. Monchi-zadeh D. Topographich-historische Studien zum iranischen Nationalepos// ADMG, XLIII 2. – Wiesbaden, 1975. – S. 42
19. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Тошкент, 1970, – Б. 89.;
20. С. Мустафоев Нур этилган Нурота. – Тошкент: Истиклол, 2004 – Б. 6-7.
21. Мустафоев С. Жой номлари ҳақида //Дўстлик байроғи. 2001 йил 9 ноябрь

22. Нурота-Чашма тарихий музейи. Экспонатлар. 1-фойе, кўрғазмали расмлар.
23. Дала ёзув дафтари №2. Нурота шаҳри, Адизобод, Чўпонобод ва Гараша қишлоқлари.
24. Қаранг: Ипак йўли афсоналари. – Тошкент: Фан. 1993, – Б.9-11, 48-56, 87, 97-99.; Раҳматилла Юсуф ўғли. Боболардан қолган нақллар (Нурота-Кўшработ халқ досточилигига оид маълумотлар асосида) – Тошкент: 1998. – Б.11-85.
25. Мирзаев Б., Аҳмадқулов К.Нурота тарихи. – Тошкент: Мерос, – Б. 22-24

